

Республика онкология илмий марказини тиббиёт ускуналари билан таъминлаш лойиҳаси

Республика онкология илмий маркази замонавий рақамли маммографи билан таъминланди. 2015 йил 11 мартада рақамли маммографни етказиб бериш бўйича грант шартномаларини имзолаш маросими бўлиб ўтди.

«Республика онкология илмий марказининг маъмурияти Республика онкология илмий марказини замонавий рақамли маммограф билан таъминлаш қўшма лойиҳасини амалга оширишдаги молиявий ёрдам ажратгани ва қўллаб-куватлагани учун Япония Ҳукумати ва Халқига чукур миннатдорчилик билдиради. Ажратилган 100 000 АҚШ долларга "FUJIFILM" компанияси томонодан ишлаб чиқарилган юқори технологияли "AMULET S" маммография комплекси сотиб олинди. Бунинг натижасида марказимизда замонавий усулларда ташхис қўйиш имкони пайдо бўлди. Ушбу ускуна эксплуатацияси давомида 9000 дан ортиқ аёллар текширилди, маммограф тасвирининг юқори сифати ёрдамида кўплаб кўкрак бези саратони хасталиклари эрта босқичда аниқланди.

Бундан ташқари, тадқиқот натижаларини қайд этиш учун учун замонавий стандартлар жорий этилиши билан маммография кабинетимиз негизида Ўзбекистоннинг турли тиббиёт муассасалари маммограф мутахасисларини тайёрлаш йўлга қўйилди.

Шу билан бирга, ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларни амалга оширишда Япониянинг Ўзбекистондаги Элчихонаси ва республиканинг бошқа онкология муассасалари ўртасида давом этаётган ҳамкорликни таъкидлаш лозим.

Республика онкология илмий марказининг Наманган филиалини минтақада илк бор маммография скрининг кабинети билан билан таъминлаш лойиҳаси ўз якунига етиб бормоқда, ушбу лойиҳа бутун республика учун кўкрак саратонини текшириш моделини яратиш имконини беради. Япония ҳукуматининг “Кичик миқёсли ижтимоий лойиҳаларга беғараз ёрдам” дастурининг келажакдаги иштирокчиларига халқимиз манфаати йўлида муносиб иштирок этишда, Япония ва Ўзбекистон ўртасидаги дўстлик ва яхши қўшничилик муносабатларини мустаҳкамлашда муваффақлар тилайман».

М.Н. Тилляшайхов, Республика онкология илмий маркази директори

